IX. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ

Фойда. Ҳисобот маълумотларига кўра, 2021 йилнинг январь-феврал ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 2039,0 млрд. сўм миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

2020 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 1060,2 млрд. сўмга ёки 208,3 %га кўпайган.

2021 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

	Фойда, зарар (-), млрд.сўм	*2020 йил январь-февралга нисбатан %да*
Жами	2039,0	208,3
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	-0,4	-
Ишлаб чиқарадиган саноат	2034,6	219,9
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	-21,5	-
Қурилиш	3,3	412,5
Савдо	35,1	49,1
Ташиш ва сақлаш	-15,8	
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	-1,3	-
Кўчмас мулк билан операциялар	3,5	80,6
Профессионал, илмий ва техник фаолият	-9,7	-
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	-0,2	-
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	3,3	302,8
Бошқалар	8,1	253,1

Ижобий молиявий натижа (фойда)нинг асосий қисми ишлаб чиқарадиган саноат (2034,6 млрд. сўм), савдо (35,1млрд. сўм) ва кўчмас мулк билан операцияларини (3,5 млрд. сўм) амалга оширувчи корхоналарга тўғри келди.

2021 йилнинг январь-феврал ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ (1152,3 млрд. сўм), Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси (4,8 млрд. сўм), Ўзсаноатқурилишматериаллари уюшмаси (2,7 млрд. сўм) таркибига кирувчи корхоналарга тўғри келди.

Фойданинг пасайиши “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ (66,7 млрд. сўм), “Ўзкимёсаноат” АЖ (49,8 млрд. сўм), “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК (11,0 млрд. сўм) таркибига кирувчи корхоналарда кузатилган.

2021 йилнинг январь-февраль ойларида ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалар

	Фойда, зарар (-), млрд.сўм	*2020 йил январь-февралга нисбатан %да*
Вилоят бўйича:	2039,0	2,1 м
шаҳарлар:		
Нурафшон	4,7	72,3
Олмалиқ	1938,0	2,6 м
Ангрен	-36,3	1,4 м
Бекобод	21,0	30,4
Оҳангарон	25,8	42 м
Чирчиқ	19,6	36,7
Янгийўл	3,0	1,4 м
туманлар:		
Оққўрғон	0,8	2,0 м
Оҳангарон	4,3	-60,6
Бекобод	0,5	1,2 м.кўп
Бўстонлиқ	1,0	16,9
Бўка	0,0	0,0
Зангиота	-0,6	-5,6
Қибрай	3,6	5,2
Қуйичирчиқ	-3,3	
Паркент	18,6	37 м
Пискент	0,5	2,5 м
Ўртачирчиқ	3,4	1,6 м
Чиноз	0,0	0
Юқоричирчиқ	2,8	1,9 м
Янгийўл	9,6	42 м
Тошкент	22,0	1,6 м

Ҳудудлар кесимида фойданинг асосий қисми Олмалиқ шаҳар - 1937,9 млрд. сўм (жами фойданинг 95,0 %и), Оҳангарон шаҳар - 25,8 млрд. сўм (1,3 %и), Тошкент тумани - 22,0 млрд. сўм (1,1 %и) ва Бекобод шаҳар - 21,0 млрд. сўм (1,0 %и) ҳиссасига тўғри келди.

Зарарлар. 2021 йилнинг январь-феврал ойларида 49 та корхона ва ташкилотлар 166,0 млрд. сўм зарар билан фаолиятини якунлади.

Зарарнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги - 23,8 млрд. сўм (жами зарарнинг 14,3 %и), Ўзкимёсаноат АЖ - 17,2 млрд. сўм (10,4 %и), Ўзавтосаноат АЖ - 13,9 млрд. сўм (8,4 %и) таркибига кирувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келди.

2021 йилнинг январь-февраль ойларида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари
(жамига нисбатан %да)



2021 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	Корхоналар сони	*Зарар суммаси*	
		млн. сўм	*жамига нисбатан %да*
Жами	**49**	**165983,6**	**100,0**
Ишлаб чиқарадиган саноат	17	90947,4	54,8
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	5	41453,9	25,0
Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцекилларни таъмирлаш	7	2090,6	1,3
Ташиш ва сақлаш	6	15855,4	9,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1	558,8	0,3
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	2	12803,0	7,7
Бошқалар	11	2274,5	1,4

2021 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари
(*жамига нисбатан %да)*



Зарарнинг асосий қисми ишлаб чиқарадиган саноат – 90947,4 млн. сўм (54,8 %) соҳасида юзага келган.

2021 йилнинг январь-февраль ойларида ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	Корхоналар сони	*Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, % да*	*Зарар суммаси, млн. сўм*
Вилоят бўйича:	**49**	**100,0**	**165983,6**
шаҳарлар:			
Нурафшон	2	0,2	313,6
Олмалиқ	2	2,6	4378,9
Ангрен	8	36,0	59765,4
Оҳангарон	6	29,5	49028,2
Чирчиқ	2	3,5	5823,1
Янгийўл	3	1,2	1934,6
туманлар:			
Бўстонлиқ	5	8,1	13419,0
Қўйичирчиқ	2	0,5	793,7
Зангиота	6	10,5	17453,6
Юқоричирчиқ	5	4,1	6825,5
Қибрай	4	3,3	5436,3
Паркент	1	0,1	9,0
Пискент	1	0,1	167,7
Ўртачирчиқ	1	0,2	395,9
Чиноз	1	0,1	239,1

Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати[1)]

2021 йил 1 март ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 8878,7 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтгани 487,0 млрд. сўмни ёки жами қарздорликнинг 5,5 %ини ташкил этди.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2020 йилнинг 1 мартига нисбатан солиштирилганда 2,2 мартага кўпайди (м.к) ва жами дебитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 104,1 %ни ташкил қилди.

Ҳудудлар бўйича кўрилганда дебитор қарздорлиги юқори кўрсаткичи Бекобод шаҳар - 1830,1 млрд. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 20,6 %и), Олмалиқ шаҳар - 1342,8 млрд. сўм (15,1 %), Нурафшон шаҳар - 976,3 млрд. сўм (10,9 %) ва Қибрай тумани - 827,7 млрд. сўм (9,3 %) ҳиссасига тўғри келди. Бунга қарама-қарши дебитор қарздорлик Бўка - 0,04 млрд. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 0,0005 %), Бекобод - 2,0 млрд. сўм (0,02 %) ва Пискент - 28,3 млрд. сўм (0,3 %) туманларида пастлигини кўриш мумкин.

[1)] *Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.*

2021 йил 1 март ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби

	Жами, млрд. сўм	ундан:			Муддати ўтган қарздор-ликнинг улуши, %да
		харидор ва буюрт-мачилар	етказиб берувчи-ларга ва пудратчи-ларга берилган авансла р	ички идора-вий	
Жами:	**487,0**	**449,3**	**6,2**	**476,1**	**100,0**
Ишлаб чиқарадиган саноат	238,4	223,6	5,4	238,3	49,0
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	153,2	150,5	0,5	153,2	31,5
Қурилиш	0,4	-	-	-	0,1
Кўчмас мулк билан операциялар	1,7	0,1	0,1	0,2	0,3
Бошқалар	93,3	75,1	0,2	84,4	19,1

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2021 йил 1 март ҳолатига жами дебитор қарздорлиги 3281,9 млрд. сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 36,9 %ини ташкил қилди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг энг кўп дебитор қарздорлиги “Олмалиқ КМК” АЖ - 1221,9 млрд. сўм (37,2 %), " Иссиклик электр станциялари" АЖ- 459,3 млрд. сўм (14,0 %), "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ - 429,7 млрд. сўм. (13,1 %), Ўзавтосаноат АЖ- 351,9 млрд. сўм (10,7 %) ҳиссасига тўғри келди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг энг кўп дебитор қарздорликдаги ўсиши “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖда – 2 м.к (1221,8 млрд. сўм), “Худудгазтаъминот” АЖ 2,6 м.к (274,1 млрд. сўм) кузатилди.

Дебитор қарздорлик “Ўзбекнефтгаз” АЖда - 9,3 %га (48,1 млрд. сўм), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда - 28,1 %га (21,5 млрд. сўм) камайган.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича етарлича тизимли ишлар ташкиллаштирилмаганлиги натижасида, муддати ўтган дебитор қарздорликнинг юқори суръатда ўсиши сақланиб қолинмоқда.

2021 йил 1 март ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 11544,0 млрд. сўм, ундан муддати ўтгани – 426,0 млрд. сўмни ёки жами кредитор қарздорликнинг 3,6 %ини ташкил этди.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик 2020 йилнинг 1 мартига нисбатан солиштирганимизда 1,5 м.кўпни ташкил қилади, жами кредитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 124,2 %ни ташкил қилди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2021 йил 1 март ҳолатига жами кредитор қарздорлиги 4462,7 млрд. сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 38,6 %ини ташкил қилди, шу жумладан муддати ўтгани - 112,4 млрд. сўм ёки мос равишда 3,7 %.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик ҳажми 140,3 млрд сўмга кўпайди, шу жумладан “Ўзкимёсаноат” АЖда - 102,9 млрд сўмга кўпайиб, вилоят бўйича жами муддати ўтган кредитор қарздорликнинг 24,1 %ини ташкил этди.

2021 йил 1 март ҳолатига вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги
(жамига нисбатан %да)

2021 йил 1 март ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби

	Жами, млрд. сўм	ундан:				Мудда-ти ўтган қарздорлик-нинг улуши, %да
		етказиб берувчи лар ва пудрат-чиларга	Бюд-жетга тўлов-лар	давлат мақсадли фондларига тўловлар	ички идора-вий	
Жами	**426,0**	**299,1**	**0,6**	**4,4**	**97,4**	**100,0**
Ишлаб чиқарадиган саноат	156,6	42,9	0,6	0,8	97,4	36,8
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	258,8	251,8	-	3,6	-	60,7
Ташиш ва сақлаш	6,3	0,6	-	-	-	1,5
бошқалар	4,3	3,8	-	-	-	1,0

Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг дебиторликка нисбатан ошиши

	Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши	
	млрд. сўм	дебиторга нисбатан %да
“Олмалиқ кон-металлургия комбинати”АЖ	1050,9	53,8
“Ўзкимёсаноат” АЖ	116,2	72,0
“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ	101,4	80,9
“Ўзавтосаноат” АЖ	93,7	79,0
“Ўзпахтасаноат” АЖ	68,9	33,9

Жами кредитор қарздорликнинг дебитордан ошиши “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ - 1050,9 млрд. сўм (53,8 %), “Ўзкимёсаноат” АЖ - 116,2млрд. сўм (72,0 %), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ- 101,4 млрд. сўм (80,9 %), “Ўзавтосаноат” АЖ - 93,7 млрд. сўм (79,0 %.), “Ўзпахтасаноат” АЖ - 68,9 млрд. сўм (33,9 %) ҳиссасига тўғри келади. Бу корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

Ҳудудлар бўйича кўрилганда, юқори кредитор қарздорлик Олмалиқ - 2602,5 млрд. сўм (22,5 %), Чирчиқ - 1270,2 млрд. сўм (11,0 %) ва Ангрен 1195,8 млрд. сўм (10,4 %) шаҳарларига тўғри келди. Бунга қарама-қарши кредитор қарздорликнинг Бўка - 0,1 млрд. сўм (0,0001 %), Бекобод - 1,2млрд. сўм (0,01 %) ва Ўртачириқ - 16,9 млрд. сўм (0,1 %) туманларида пастлигини кўриш мумкин.